

Аҳолини рўйхатга олиш ишларига жалб этиладиган ходимлар қандай саралаб олинади?.



Мамлакатимизда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика Агентлигининг ходимлари иштирок этади, ҳудудларда ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, материалларни автоматлаштирилган ҳолда қайта ишлаш, дастлабки якунларни сарҳисоб қилиш ва натижаларни эълон қилиш учун вилоят статистика бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар статистика бўлимлари ходимлари жалб этилади. Алоҳида даврларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қўлланма ва маълумотнома ҳужжатларини ишлаб чиқишида иштирок этиш, аҳолини рўйхатга олишни молиявий ва моддий-техник таъминлашда ҳисобкитобларни тайёрлаш учун қўшимча равишда шартнома асосида штатда бўлмаган юқори малакали мутахассислар вақтинчалик жалб этилади. Туман ва шаҳар миқёсида рўйхатга олиш, инструкторлик, ҳисоб ва стационар участкаларда ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш учун тўлов-шартнома асосида ходимлар жалб этилиши мумкин. Регистраторлар шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларидағи уйларнинг тайёргарлик босқичида аввал тузилган рўйхатларини ва картографик материалларни аниқлаш (аниқ ҳудуддаги уйларнинг ҳақиқатда мавжудлигини текшириш) учун тўлов-шартнома асосида жалб этилади. Регистраторларни давлат статистикаси органлари ва уй-жой фондидан фойдаланувчи ташкилотлар ходимлари орасидан танлаб олиш туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан давлат статистикасининг ҳудудий органлари билан биргаликда ташкил этилади.

Давлат статистикаси органлари ходимлари, олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва юқори курс талабалари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқитувчилари орасидан рўйхатга олиш участкалари мудирлари, инструкторлар ва рўйхатга оловчиларни танлаб олиш туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан давлат статистикасининг ҳудудий органлари билан биргаликда шартнома асосида ташкил этилади, зарур ҳолларда, бошқа тоифадаги шахслар ҳам, улар аҳоли рўйхатини ўтказишга тайёргарлик кўриш ёки уни ўтказишда иштирок этишга рози бўлган тақдирда,

бу жараёнга жалб қилиниши мүмкін. Вақтингача жалб этиладиган ходимларға исмлари ёзилған нишонлар (гувоҳномалар) берилади. Бунда ходимнинг яшаш жойи текширилаётган аҳоли пунктiga қатнаш учун қулай бўлиши керак.

Термиз туман Статистика бўлими